

# Cho'lpon she'riy to'plamlarining asl nusxalari: "Buloqlar" (1924)

Muallif [Adib: O'zbek tarixi, adabiyoti va madaniyati](#) 28.05.2015 izoh yo'q



## ЧЎЛПОН ШЕЪРЛАР ТЎПЛАМЛАРИНИНГ АСЛ НУСХАЛАРИ «БУЛОҚЛАР» (1924)

Атоқли ўзбек

олими Хайрулла Исмагуллаев (1937-2008) томонидан эълон қилинган Чўлпон шеърларининг асл нусхалари ва улар боғлиқ тадқиқотлари билан таништиришни давом этамиз. Бунгача Чўлпоннинг йилда нашр этилган «Ўзбек ёш шоирлари» (1922), «Уйғониш» (1922) тўпламлари ҳақидаги маълумотларни ва бу тўпламларга кирган шеърларини тақдим этган эдик. Бугун навбат "Булоқлар" (1924) тўпламига етди. Эрта-индин "Тонг Сирлари" (1926), "Соз" (1935) тўпламлари ҳақидаги маълумотни ҳам сизга ҳавола этамиз.



### ХАЙРУЛЛА ИСМАГУЛЛА ЧЎЛПОН ШЕЪРЛАР ТЎПЛАМЛАРИНИНГ АСЛ НУСХАЛАРИ «БУЛОҚЛАР» (1924)

Чўлпоннинг "Булоқлар" номли иккинчи шеърлар тўплами 1924 йили Ўзбекистон Давлат Нашриёти томонидан чоп этилган бўлиб, бу тўпламда ҳам шоир шеърлари куйидаги бўлимларга бўлиб берилган: 1-бўлим "Шарқ учун" ["Бузилган ўлкага", "Амалнинг ўлими", Ёнғин", "Тўфон", "Гелиёрсун!"]; 2-бўлим "Сезгилар" ["Яшайиш", "Ётоқдан", "Эркинлик истаги", "Мастликда", "Қилич ва қон", "Қизларнинг дафтарига". "Кўклам қайғуси", "Бинафша"]; 3-бўлим "Севгили" ["Тун", "Ниманинг хиди", "Ишқ йўли", "Кет", "Алданиш", "Ишқ (Усмонлича)", "Битди"]; 4-бўлим "Қора йўллар" ["Маҳмуд Хўжа (Беҳбудий) хотираси", "Кетдинг", "Ўлимдан кучли", "Улуғ йўловчига"] ва 5-бўлим "Қор қўнида" ["Яна қор", "Оппоқ ой"] деб номланган бўлиб, жами бу тўпламдан шоирнинг 27 шеъри ўрин олган.

Чўлпоннинг бу тўплами унинг энг кучли шеърларидан бири саналган "Бузилган ўлкага" шеъри билан очилади.

"Булоқлар" тўпамининг биринчи бўлими "Бузилган ўлкага" шеъри билан бошланиши бежиз эмас. Шоир Чўлпоннинг бу шеъри ўта муҳим бўлганидан проф. Эдвард Оллвортт ҳам бу шеърни ўз ишида ҳам асл нусхада – ўзбек тилида келтириб, шеърнинг инглизча таржимасини ҳам беради. Бундан ташқари, америкалик олим бу шеърга оид илмий мушоҳадалар ҳам чиқаради [Бу ҳақда қаранг" E. Allworth, "The Source of Knowledge" ... IN: Central Asian Journal" vol. X, No.1, 25].

Бу атоқли олим у билан қаноатланмайди. У Чўлпон шеърини Ғайратийнинг "Тузалган ўлкага" шеъри билан қиёслаб, ҳақиқий шоир Чўлпон фойдасига хулосалар чиқаради:

Чўлпон: Эй, тоғлари кўкларга салом берган хур ўлка,  
Нима учун бошингда қуюқ булут кўланка?

Ғайратий: Эй, тоғлари кўкларга салом берган хур ўлка,  
Энди солмас бошинг узра қора булут кўланка.

Туркистоннинг зиё аҳли ўша вақтларда ҳам халқ бошида “қуюқ булут кўланка” солиб турганлигини яхши биларди. Ғайратийнинг шеъри “муз ўлкалардан келган қўноқлар”нинг кўрсатмаси билан битилганлигини машҳур Колумбия университетининг профессори эмас, оддий китобхон ҳам англаб етганди.

\*\*\*

Бир қатор журнал, тўпламларда Чўлпонга нисбат берилган талайгина шеърлар эълон қилинган бўлиб, бу каби шеърларнинг айримлари ҳам мазмун, ҳам тузилиши жиҳатидан шоирнинг машҳур “Бузилган Ўлкага” шеърига ўхшаб кетади. Мен бу ўринда шоирнинг шундай шеърларидан иккитасини сизнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман. “Бузилган Ўлкага” ўхшаш шеърларнинг биринчиси “Тўзал Фарғона” деб аталади:

### Тўзал Фарғона

Эй, тўзал Фарғона қонли кўйлагингдан айланай,  
Тарқалиб кетган қора, ваҳший сочингга боғланай.  
Ваҳший бир ўрмон каби бағрингни босмиштир қамиш,  
Кўзларингда ҳеч кўринмас бир олов, бир ўт ёниш.

Кенг чўзиқ яйловларинг ёвларга очмиш кўксини,  
Бир қора парда босибдир тупрогингнинг устини.  
Кўзларинг сўлган, ўлик руҳинг билан боқдинг менга,  
Қутулишининг юлдузу асло кўринмасми сенга?

Ул баланд зўр тоғларинг нега тўсолмас ёв йўлин?  
Йўқмидир ўткур қилич кесмакка ёвларнинг кўлин?  
Биз бутун ожиз, заиф, бағри эзилган сен учун,  
Бул қадар қонлар тўкилди ул дахидир сен учун.

Йиғлама, юртим, агарчи бул кунингда йўқ баҳор,  
Келгуси кунларда бахтинг юлдузи ўйнаб қолар.

Шу ва шунга ўхшаш халқ орасида кенг тарқалиб кетган шоирнинг шеърлари асосида кейинчалик, уруш ҳамда урушдан сўнгги йиллари халқ Чўлпоннинг номидан бошқа шеърлар яратиб, куйлаб юргани сир эмас. Шу сингари шеърлардан яна бири “Тўзал Туркистон” саналади:

### Тўзал Туркистон

Тўзал Туркистон, сенга не бўлди?  
Сахар вақтида гулларинг сўлди.  
Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,  
Ҳаммаси маҳзун. Бўлмасми дил шод?  
Билмам не учун қушлар учмас боғчаларингда?

Бирлигимизнинг тебранмас тоғи,  
Умидимизнинг сўнмас чироғи.  
Бирлаш, эй халқим, келгандир чоғи,

<i>Безансин</i>	<i>энди</i>	<i>Туркистон</i>	<i>боги.</i>
<i>Қўзғал, халқим, етар шунча жабру жафолар!</i>			
<i>Ол</i>	<i>байрогингни,</i>	<i>қалбинг</i>	<i>уйгонсин,</i>
<i>Қуллик,</i>	<i>асорат</i>	<i>барчаси</i>	<i>ёнсин.</i>
<i>Қур</i>	<i>янги</i>	<i>давлат,</i>	<i>ўртансин.</i>
<i>Ўсиб</i>	<i>Туркистон,</i>	<i>қаддин</i>	<i>кўтарсин,</i>
<i>Яйраб, яшнаб ўз Ватанинг гул Боғларингда!</i>			

[Бу шеърлар хақида тўла маълумот олиш учун қаранг ” Хайрулла Исматулла, Чўлпон ва Жаҳон. IN: Reform Movements and Revolutions in Turkistn: 1900-1924; pp. 232-234]

\*\*\*

Хорижда Чўлпоннинг шеърий ижоди бўйича энг кўп ёзганлардан яна бири Боймирза Ҳайит бўлади. Б. Ҳайит ўзининг бир қатор асарларида шоир шеъриятига тўғри баҳо беради: “Чўлпоннинг инсонлар қалбини ларзага келтирган, туркистонликлардаги миллий туйғунинг дил ифодаси бўлган “Уйғониш”, “Булоқлар” ва “Тонг сирлари” шеърий тўпламлари унинг ҳеч вақт адабиёт тарихидан ўчириб бўлмайдиган бир сиймо ҳолига келтирган. Балки Чўлпон ўз вақтида ижодининг юксак поғонасига етган бўлуви мумкин.” [Қаранг: Б. Ҳайит, “Туркистон Янги Адабиётида Икки Сиймо – Қодирий ва Чўлпон” (немис тилида). Журнал “Ислом Дунёси”, 1964 йил, IX жилд, 1-4-сон].

Б. Ҳайит ҳам Чўлпоннинг “Булоқлар” тўпламидаги “Бузилган ўлкага” шеърини батафсил таҳлил этган ҳамда бу шеърни немис тилига таржима ҳам қилган.

“Булоқлар” тўпламидан шоирнинг усмонли турк тилида ёзилган “Гелиёрсунг” ва “Ишқ” шеъри ўрин олган. Ўз ижоди давомида Чўлпон, мутахассисларнинг аниқлашича ўн битта “усмонлича” шеърлар ёзган. Профессор Темур Хўжа ўғлининг гувоҳлик беришича, “...Чўлпон гарчи Туркияга бормаган бўлса-да, у Истанбулдан турк газета ва журналларини 1922 йилгача олиб турган ҳамда у Туркия туркчасида ўн битта шеър ёзган. Чўлпон турк шоирлари Намик Камол, Тавфиқ Фикрат, Яҳё Камол шеърларини ўқиб борган...” [Қаранг: Темур Хўжа ўғли, “Чўлпоннинг шеърларида ҳуррият туйғуси” (турк тилида) “Турк Адабиёти” журнали, 1993 йил, 242-сон, 45-бет].

Чўлпон ҳеч қачон Туркияга бормаган. Бироқ андижонлик “тадқиқотчи” Сайфиддин ҳожи Жалилов Чўлпонни Истанбулда бўлган деб, ҳисоблайди. [Қаранг: С. Жалилов, “Бахтинг юлдузи ўйнаб қолар”, “Халқ Сўзи” газетаси, 1997 йил, 24 сентябр, 4-бет].

Чўлпон Туркияда бўлмаган бўлса-да, у турк шоирлари ижоди билан мунтазам равишда танишиб борган.

## МУНДАРИЖА

### 1-бўлим: ШАРҚ УЧУН

Бузилган	ўлкага	.....
Амалнинг	ўлими	.....
Ёнғин		.....
Тўфон	(Анатоли Қишлоғининг Музаффар Ўрдулариге)	.....
Гелиёрсун! (Шарқ Қурултойи Вакилларига )		

Йўлдош Файзулла Сайида армуғоним

### 2- бўлим: СЕЗГИЛАР

Яшайиш .....  
 Ётоқдан .....  
 Эркинлик истаги .....  
 Мастликда .....  
 Қилич ва қон .....  
 Қизларнинг дафтарига .....  
 Кўклам қайғуси .....  
 Бинафша .....

### 3-бўлим: СЕВГИ

Тун .....  
 Ниманинг хиди .....  
 Ишқ йўли .....  
 Кет .....  
 Алданиш .....  
 Ишқ (Усмонлича) .....  
 Битди .....

### 4-бўлим: ҚОРА ЙЎЛЛАР

Махмуд Хўжа (Бехбудий) Хотираси .....  
 Кетдинг .....  
 Ўлимдан кучли .....  
 Улуғ йўловчига .....

### 5-бўлим: ҚОР ҚЎЙНИДА

Яна қор .....  
 Оппоқ ой .....

### 1-БЎЛУМ: ШАРҚ УЧУН

#### БУЗИЛГАН ЎЛКАГА

Эй,	тоғлари	кўкларга	салом	беран	зўр	ўлка,
Нега	сенинг	бошингда*	куюқ	булут		кўланка?
Учмохларнинг			кавсаридек			покиза,
Садафларнинг			донасидек			топ-тоза
Салқин	сувлар		тоғдан	қуйи		тушаркан,
Томчилари		ёмғир		каби		учаркан,
Нима	учун		ийғлар	каби		инграйлар?
Ёв	борми,	деб	тўрт	тарифни		тинглайлар?
Табиатнинг		ўтини		йўқ		ўтида,
Шарақ-шарақ		қайнаб		чикқан		булоқлар
Ҳар	қоронғи,		қўрқинч	туннинг		бетида
Шифо	истаб		келмасин	дер,		кўноқлар.
-Бу						нега?
Айт						менга.
Кўм-кўк,		гўзал		ўтлоқларинг		босилгон,
Устларида	на	пода		бор,	на	йилқи,
Подачилар		қайси		дорға		осилгон?
От	кишнаши,		қўй	маъраши		ўрнига

-Ох, йиғи,  
Бу нега?

Туморчалар хамойиллар тақинган,  
Далаларда лола барги ёпинган,  
Тоғ-тошларда ўйин қилган,  
Чопинган  
Гўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?  
Жавоб йўқми кўклардан-да, ердан-да,  
Хароб бўлган элдан-да.  
От минганда, қушлар каби учгувчи,  
Эркин-эркин ҳаволарни кучгувчи,  
От чопганда, учар қушни тутгувчи,  
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?  
Тоғ эгаси – сор бургутлар қаерда?

Сенинг каттиқ сир – бағрингни кўп йиллардир эзганлар,  
Сен безсанг-да, қарғасанг-да, кўкрагингда кезганлар.  
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳақи йўқ хўжалар,  
Нега сени бир қул каби қизғанмасдан янчалар?  
Нега сенинг қалин товшинг “кет” демайди уларга?  
Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайди қулларга?  
Нега тағин танларингда қамчиларнинг қулиши?  
Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?  
Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?  
Нега бунча умидсиздир туришинг?  
Нима учун кўзларингда туташгувчи олов йўқ?  
Нима учун тунларингда бўриларнинг қорни тўқ?  
Нима учун ғазабингни уйғотмайдир\*\* оғу-ўқ?  
Нима учун борлигингда бу даража бузғунлик?  
Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас?  
Нима учун куч тангриси бор кучи-ла солдирмас?  
Кел, мен сенга қискагина достон ўқий,  
Қулоғингга ўтганлардан эртак тўқий.  
Кел, кўзингнинг ёшларини суриб олай  
Кел, ярали танларингни кўриб олай, тўйиб олай.  
Нима учун ағдарилган, йиқилган  
Оғир тойнинг захар ўқи кўксингда?  
Нима учун ёвларингни бир замон  
Йўқ қилгундай темирли ўч йўқ сенда?  
Эй, ҳар турли қулликларни сиғдирмаган хур ўлка,  
Нега сенинг бўғизингни бўғиб турар кўланка?

Андижон, 1921 йил

## АМАЛНИНГ ЎЛИМИ

Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?  
Шарқнинг оналари, жувонларими?  
Қаршимда инграган бу жонлар кимлар?  
Қуллар ўлкасининг инсонларими?  
На учун уларнинг товушларинда  
Ўтган асрларнинг оҳанги йиғлар?

На учун ёзмишнинг ўйнашларинда  
Ҳар юриш кўнглимни ништардек тиглар?

Кенглик хаёллари учдими кўкка,  
Бутун умидларни ёвларми кўмди?  
Мангу тутқунликка кирдими ўлка,  
Хаёлда порлаган шамларми сўлди?

Кечанинг жон олғич қоронғилиги,  
Ҳаёт юлдузини хаёлми билди?  
Шунча тутқунларнинг хақи, ҳақлиги  
Бир ҳовуч тупроққа қурбонми бўлди?

Оҳимнинг ўтидан чиққан шуълалар  
Шарқнинг кўкрагида бир жой топмасми?  
Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар  
Ухлаган дилларга силжиб оқмасми?

Ҳар кеча кўкларда ўйнаган юлдуз  
Айтар эди менга: “Эрклик юлдузи —  
Тутқин еллар учун само кундузи.”  
Кўнгилда қолғуси унинг бир изи”.

У бир из кўзимнинг нурларидан ҳам  
Юксакдир. Мен уни ўпмак истаймен,  
Агар топилмаса, бу юртлардан ҳам  
Кўчиб йироқларга кетмоқ истаймен.

Йиғлаган, инграган амал қизими?  
Кўкдаги юлдузлар унинг изими?

1921 йил.

## ЁНҒИН

*Таланмаган, йиқилмаган ер йўқ.  
Гўдаклар найза бошида...*

*(Хабар.)*

Нега менинг қулоғимда тун ва кун  
Бойқушларнинг шумли товши бақирар?  
Нега меним борлиғимга хар ўюн  
Ва ҳар кулги оғу сепар, ўт қўяр?

Кўнглим каби йиқик уйлар, қишлоқлар,  
Бойқушларга бузук кўксин очганми?  
Ота-она, таниш-билиш, ўртоқлар  
Юртни ташлаб, тоғ ва тошга қочқанми?

Шундай катта бир ўлкада ёнмаган,  
Йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?  
Бир кўз йўқми қонли ёши томмаган,  
Бутун кўнгил умидсизми, синиқми?

Подаларнинг яйловида бўрилар  
Қонга тўйгач, увлайдиларми кўплашиб,



\*\*\*

## ГЕЛИЁРСУНГ!

(Шарқ Қурултойи вакилларига)

Йўлдош Файзулла Сайидга армуғоним.

Гелиёрсунг дағ, тепелер ашарак,  
Гелиёрсунг су, денгизлер гечерек,  
Гелиёрсунг амалине-қошарак,  
Гелиёрсунг ўз ёлинги сечерек.

Чокдан бери сўнмиш олан гунешинг  
Тепелерин энг башиндан гўрунди,  
Чокдан бери юз дўндурмиш мехвешинг  
Эмелингинг нурларина бурунди.

Ҳер сафхаси алчалмани язарак,  
Сенинг учун қан ағлаян тарихинг,  
У ёллари хаялиле бозарак  
Яздадир парлайишин ярнинг.  
“Шарқ гўзели” дейе ғарби яндиран  
Кара сачли, кара гўзли у сенинг  
Гўзел қизинг, ўлумлери андиран  
Чехресиле ағлиёрду: Бен онунг  
Гоз яшлари арасинда батиёр,

Боғулуёр ўлуёрдум... Гелмиёр  
Гелмиёрди имдадима хеч киши  
Кесилмишди санки жахан нефеси.

Дағ, тепелер, ашип евет сен гелдинг  
Бен де шимди алиёрум генг нефес;  
Сен де затен рухен эсир дегилдинг,  
Ялгиз сенинг вужудуну кисарди  
Алчак ғарбинг гейдирдиги дар кафес...  
Вужудунга пек дарди.

Гелиёрсун дағ, тепелер ашарак,  
Гелиёрсун чўл, сахролар гечерек,  
Беклиёрум бен де хаят ичерек,  
Йулларина гул лалелер сачарак,  
Кучағими ачарак!  
Хараретли, селамими кабул эт  
Хурметими бутун Шарка такдим эт!

## 2-БЎЛУМ: СЕЗГИЛАР.

### ЯШАЙИШ

Оғир-оғир ва фақат қайғидан йироқ уйқу,  
Нечун узоқларга қочдинг, ки кўп ямандир бу!



Кўзум	очилди,	бирок	кўрмадим	гўзалликни,
Кўнгулда	ёш	ила	кўрдим	тубанликни...
Йўқ	эрмас	эрди	гўзаллик	чиройлилик,
Фақат	улар	тубида	билан	жайвонлик...
Кулиб	қарар	эди	дунёси	гоҳ-гоҳлари

Фақат кулушлар ичинда, фиғон ва оҳлари!

Нечун	очилди	кўзим,	кайга	кетди	уйқуларим?
-------	--------	--------	-------	-------	------------

Бу уйғонишда тўлиб тошди қайғуларим...

## ЁТОҚДАН...

Оғриқ	олди,	қайғу	олди,	зор	олди,
-------	-------	-------	-------	-----	-------

Сўнук кўзли, бағри эрик ёр қолди.

Қайда	қолди	Мулла	Бозор	—	девона,
Қулоғимга		ўқир	эди		афсона:
Эзгу	жойга	оқ	от	билан	кирган(и)ни,

Дил каъбасин ўқлар билан бузган(и) ни...

Йиқиқлардан,		қабрлардан		товушлар;
Ўлукларнинг		саломини		ўқийлар.
Борлиғимни	кўрқинч		ўтлар	ховучлар,

Хонақоҳлар фано тўри тўқийлар.

Сирли	сирдан	килдай	бўлсин	хабар	йўқ,
Йўқса	ул-да*		ўтганлардек		сўндими?
Оқ	деб,	пок	деб	дил	бузук,

Йўқса фано майсалари ундими?

Алам	олди,	фироқ	олди,	қон	олди,
------	-------	-------	-------	-----	-------

Амал қолди... Кўзи ёшли жон қолди.

1922 йил, Январ 21, Бухоро [Ҳарбий Хастахона].

## ЭРКИНЛИК ИСТАГИ

Эркин	кўнглим	чидай	олмас	бу	сиқик,
Бу	боғланган,	бу	“эғалик”*		турмушда.
Агар	шундай	кета	берса,	бу	аниқ,

Тилак учун қила олмас бир иш-да!

Шунча	чоқлар	чидаб	келган		кўнглимга
Бу	кунгина	ўз	чизиғи	тор	келди.
Гўё	унинг	қўл	тегмаган		бўйнига

Ип боғланиб, жуда қаттиқ тортилди.

Ул	интилиб,	ул	уришиб		ётадур,
Тор	қафасдан		қутқарғали		ўзини.
Теваракка	аччиқ		қарғиш		отадир,

Билмадим, ким қон босганми кўзини?

Бундан	бурун	ул	кўп	оғир	тинларни
Чидам	билан,	тинчилик	билан		ўтқарди.

Қаршисида Кўра туриб қурамади, кеткарди,	авраб	турган	жинларни**
Шунинг Ёвуз, Таларларди, Сўкарларди орқасидан ҳар кеча.	учун бузук	тубанларнинг кишилар эмарларди-да	тубани эркинча уни
Ул Қандай Ул Қилини ҳам қимирлатмай турмади?	қандай бузук қандай хор***,	тор, қандай қандай	сиқиқ чизикларда тубан
Энди Қайтиб У Улар билан бир тин бўлсин туrolмас.	ул-да унга маъносиз	тор чизикдан киришликни “эгалликлар”	ерларда бўлмади? ерларда безгандир, истамас, эзгандир,
Ул Кетга қараб – ўлим бўлсун – кетмайдир.	эркинлик,	ўзбошлилик	истайдир,

1922 йил.

## МАСТЛИҚДА

*Х...га.*

Май Унинг Уни Амаллар мажлисдан четка кўчмасун.	бу бир хаёлимиз	кун шишадан томчиси	тошиб ерга амал	чикмишдир, тушмасун. демишдир,
Майлар Бизнинг Майнинг Мажлис лаззатини сўзлаб турадир.	шишаларда ийдимизни кўпуклари	минг	кўшуклар қутлаб катла	айтиб, турадир. қайтиб,
Майнинг Йиғилиб Мажлис Ҳурмат юзасидан салом бералар.	атрофинда ўлтуриб, шодлиғини		эски суҳбат кўруб	ўртоқлар, қилалар, оппоқлар”
Майнинг Қайғу Мастликда Ўксук болалари у йўлдан юрсун.	кўпуклари чоқларида ўрганиб	ўнг	туткун юпатиб ва	ўғлини, турсун, сўлини
Майнинг Мастлар ўлсалар-да “эслик” қилғуси.	кўпуклари		кўзнинг	қораси,

## ҚИЛИЧ ВА ҚОН

Қиличим Тиғиға	қинда тилларим	қолмасин, томизсин	чиқсин, қон,
-------------------	-------------------	-----------------------	-----------------

Амалим қонли тиғим үпсун,  
Қолмасин қонни севмаган бир жон.

## ҚИЗЛАРНИНГ ДАФТАРИГА

Кўнгил, тинмас кўнгил, энди етар, кўз тикма гулларга,  
Гўзалдир, ёшдир ул гуллар... фақат алданма унларга,  
Ки қизғанмас, кўнгул қўймас сенингдек оқ кўнгулларга!

## КЎКЛАМ ҚАЙҒУСИ

Эй қоронғи, узун қишнинг хаёли  
Кўклам чоғи кўзларимда ўйнама!  
Айрилиқнинг чидаб бўлмас малоли  
Кўкат, майса юзларида қайнама!

Бироз... бироз кўнгил берай кўкламда  
Шафтолининг гўзал, кизил юзига.  
Бироз... бироз алданайин кўнглимда  
Бош чиқарған йигитликнинг сўзига.

Қаршимдағи кулиб турған юмшоқ қиз,  
Кўмкўк майса ўртасида бир гулдир.  
Кўп йиғладим... ёшларимни қатор чиз  
Ва қаршимда гўзал қизни бир кулдир!

Кўклам чоғи ... сайроқ булбул сайрамас,  
Не учун, ким тамбуримнинг тили йўқ.  
У гўзал қиз чин қараш-ла қарамас,  
Не учун, ким умидимнинг йўли йўқ.

Тилларимда ҳар кўкламнинг кўшиғи,  
Юрагимда ҳар гўзалнинг севгиси,  
Кўзларимда ҳар қайғидан бир йиғИ,  
Юзларимда алданишнинг белгиси...

Ёлғиз менми кўклам чоғи йиғлаган?  
Ёлғиз менми ҳар умидда алданған?  
Ёлғиз менми кўкрагини тиғлаган?  
Ёлғиз менми севинч билан бўлмаған?

Эй кўкламнинг кўз тортғучи келини,  
Нима учун йиғлатасен бир мени?..

## БИНАФША

*Ёз қайғуси.*

Бинафша сенмисен, бинафша сенми,  
Кўчада оқчага сотилган.

Бинафша	менменми,	бинафша	менми,
Севгинга, қайғунга тутилган?			
Бинафша,	нимага	бир	озроқ
Бир	эркин	кулмасдан	очилмай,
Бинафша,	нимага	ҳидларинг	узилдинг?
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?			
Бинафша,			менга,
Айт			ким
Кимлардир		улар,	ким
Игналар		бағринга	санчалар?
Бинафша,			
Бир			сўйла,
У	қандай	қўллар,	ким
Узалар,		ҳидлайлар,	янчарлар?
Бинафша,	шунчалар	чиройли	юзинг
Нимага		узоқроқ	бор,
Бинафша,	шунчалар	тортгувчи	тусинг
Кўнглимга эркинлик тўкмайсен?			
Бинафша,	йиғлама,	бинафша,	кел
Қайғингни		қайғумға	бери,
Бинафша,	сенингчун	кўкрагим:	эрк
Бу ердан кўкларга учгил!			
Бинафша,	гўзалим,	қайғилим	келмайсен,
Қайғинг	зўр,	қайғимни	билмайсен,
Менга бир кулмайсен!..			

1922 йил.

### 3-БЎЛУМ: СЕВГИ

#### ТУН

*Эркин шеър*

Тун	ёмон,	тун	қоронғи,
Тун	қўркинч,	тун	азоб!
Тунда	эски	ва	янги
Ҳар нарса хаёл ва сароб!			
Туннинг			узулиги,
Чуқурлиги		кўп	ёмон.
Туннинг			бузуқлиги,
Ёлғизлиги беомон!			
Тунда	ҳар	нарсанинг	товуши
Йироқдан		гувиллаб	келар,
Тунда	кўп	чоғлар	юзимга
Жинларнинг қўллари урилар.			

Ох, Қандай Ох, Ҳеч жонни қўрқитмай қолмас.	туннинг  туннинг	гуноҳларни	қалин  товушсиз	пардаси яширмас, наъраси
---	------------------------	------------	-----------------------	--------------------------------

Туннинг Ўлимлар, Унинг Қанча ёш гуллар сўлгандир!		яширин қонлар алдамчи		кучоқларида тўлгандир! боғларида
--	--	-----------------------------	--	--

Тинчланиб Эртақлар Ё Бир қараш, бир кўриш сўрасам,	ўзим	ўлтуриб эшитмак истаб	топқан	юлдуздан бўлсам, қиздан
---	------	-----------------------------	--------	-------------------------------

Ҳар Девлардек Теграмда Жонимга ҳамла қилурлар.	ердан	наъра	қанча	товушлар солурлар. найза-қиличлар
---	-------	-------	-------	---

Салқин Кундузлар Шир-ширлаб Мен Батгарроқ Бир Кайфимга Истардим, Ох, Манбадан Ох, Кўнглимга тарқаталар ғам.	сув     хўплаб  тунда  томчи тунда	дарров қайнаб шунда қанча қўйнига оғу	кони     мен  бўлар сув нозли	булоқлар чанқағанимда йўқлар. олмағанимда, оқарди. ичсам, ёқарди? қочсам! ҳар ичсам, булоқлар
--	--	--	--	---

Бу Қолдингми Билмайсен, Қон йиғлар тунда, бу ёқда.	тунда	мендан оғриқли	севгили	ёрим, узоқда? бағрим
---	-------	-------------------	---------	----------------------------

Бу Йўлларда Кўнглимда Ох, йўллар қанча узоқдир.	тун	ким шарпа-да тўп-тўла	сирли,	қоронғи, йўқдир. қайғи,
--	-----	-----------------------------	--------	-------------------------------

Кел, Бу Ҳижронни Эй, тундек сочи қора қиз!.	энди туннинг	бошима	ташлама, қўйнида	қўйма ёлғиз. ёйма,
--	-----------------	--------	---------------------	--------------------------

1922 йил

## НИМАНИНГ ҲИДИ

Билмаймен Рухим ҳидлаш билан англаган эди!..	бу	ҳидлар	ниманинг	ҳиди?
---	----	--------	----------	-------

Мевжуд жаннатларнинг энг гўзалида,  
 Энг гўзал малика атирлар сочди,  
 Кўкларнинг энг нозли, ўйноқ париси  
 Атир қутисининг оғзини очди.

Кўнгилни мулойим китиклагучи,  
 Ўзида ҳар турли сир сақлагучи,  
 Бу хиддир, ким ҳорган, чарчаган дилга  
 Янги умид, тоза қувват бергучи...  
 Муҳаббат булбули берилди тилга!  
 Узулиб-узулиб тиғлаған кўнгил,  
 Азалдан юмшоқлик кўрмаган кўнгил,  
 Гуллик боқчаларда юрмаган кўнгил,  
 Ўзини гулларга урмаган кўнгил,  
 Азал малагидан бир хид хидлади,  
 Эсриди, йиқилди, ўзи билмади...

Ҳидсиз тилакларнинг тотли умиди  
 Сонсиз ҳавасларни кўнглимга солди,  
 Оппоқ маликанинг тарқатган ҳиди,  
 Танимни, жонимни, руҳимни олди!

Эй тотли ҳаваслар сўнгучи хидни  
 Руҳим хидлаш билан англаган эди!..

## ИШҚ ЙЎЛИ

*(Эркин шеър)*

Сабрнинг косаси тўлгандир,  
 Бу оғир айрилик тўйдирған,  
 Оҳ, қанча азоблар\* бўлгандир,  
 Гўзалим, хабаринг бўлмаған!

Оч ахир, очгил, ким кўксингни;  
 Бир нафас ўзимни унугай.  
 Унутмоқ бутунлай “ўзлик”ни,  
 Оҳ, шундан нажотни мен топай.

Кечалар... кечалар, оҳ сонсиз ва ойсиз.  
 Бир кеча менга худди бир йилдир.  
 Қайтариб айталар: Кечалар – рўёсиз,  
 Олдинда... “Кўп оғир бир йўлдир!”

Эй дарвеш, бу йўлда биргина йўлчи,  
 Кетавер, бир куни сўнгиға етарсен!..”

## КЕТ!

Кет, кўзимни алдағувчи хоин нур,  
 Кет, оловли чизиғимдан нари юр.

Кет, захарли кизгалдоқни ирғитма.  
Кўнглимдаги сўнг умидни йўқ этма.  
Кет, илоҳий виждонимни булғама.  
Бутлар билан тегарамни чулғама.  
Кет эй, тўққиз пари кўзли\* қора куш,  
Йиқиқ бўлган кўкрагимдан четда уч!  
Кет, севгимнинг улуг ёви, кўринма,  
Лаънат сочиб, ёнларимда юринма.

Эски дўстлар йўл адашиб ўлдилар.  
Янги дўстлар бунинг учун кулдилар.  
Янги йўлга оёқ босмай тўхтасам,  
Бу йўлларда қутулишлик йўқ десам,  
Сен ул чоқда қайси йўлга солардинг,  
Фалокатдан қандай тортиб олардинг?  
Сенинг қўпол..., қийнағувчи қилигинг,  
Кет, мангулик йўққа кўчсин борлигинг.  
Кет, малаклар достонини ўқима,  
Кет, аслсиз эртақларни тўқима.  
Кет, севгили кўкрагимга тинчлик бер,  
Кет, сенинг-чун кучоқ очган қора ер..  
Кет, жонимни қийнағувчи жоду-хур,  
Кет, кўнглимни алдағувчи ёлғон нур!

1922 йил.

## АЛДАНИШ

*(Разочарование)*

Беш йиллик ёнишим бир йил учунми?  
Эркалаб ўтқувчи бир ел учунми?

Кўзимга кўринган саробми эди?  
Мен шунга алданиб тоғларми ошдим?  
Севгимнинг боқчаси харобми эди?  
Шу боқча ичида йўлми адашдим?

Кўзимни ўраган киприкми эди  
Ёки кўк тусида пардами эди?  
Кўнгиш шу чоққача тирикми эди?  
Жоним кўклардами, тандами эди?

Кўлимни тегиздим.... Одам эди-ку!  
Кўзимда ўйнаган бир нур эди-ку!  
Сезгим-да соғ, тетик, бардам эди-ку!  
Бўйнимга қўл солган бир хур эди-ку!

Нега мен севмадим? Ўт эмасмиди?  
Шул ўт ичидаги мен эмасмидим?  
Каъбамга осилган бут эмасмиди?  
Бутни “Тангри” деган мен эмасмидим?

Мен уни хаёлий, тотли бир севиш,  
 Илохий бир мухаббат, ишқ билан севдим.  
 Беш йил! Шунинг учун беш йил англайиш...  
 Ёниш, куйинишларим... оҳ, энди билдим.

Оҳ, энди билдим, ким барчаси хаёл,  
 Барчаси бир тотли, роҳат туш экан.  
 Кет, йўқол кўзимдан, ҳақиқат, йўқол,  
 Бағримга ботмоқда оғули тикан.

Чиндан-да мен у кун ёлғизми қолдим,  
 Чиндан-да у ўтли севги битдим?  
 Чиндан-да турмушдан оғизми олдим?  
 Чиндан-да умидим буткул кетдим?

Чиндан-да кўнглимда севги ўтлари  
 Чўғсиз ўчиб қолган шамдек ўчдим?  
 Чиндан-да каъбамнинг санам, бутлари  
 Кул-парча бўлдим, буткул кўчдим?

Чиндан-да мен букун севмасми бўлдим?  
 Чиндан-да мухаббат ўтими сўнди?  
 Чиндан-да мен букун тиканми юлдим?\*

Севгимнинг яшаши бир йилми эди?  
 “Гув” этиб ўтгувчи бир елми эди?

1922 йил.

## ИШҚ

(Усмонлича)

Илк эввел гўзими ишқ ила очдим,  
 Ишқинг мейданина қаними сачдим.  
 Ишқсиз ўлкалерден у энди қочдим,  
 Не замон боғладим зунноре ишқи.

Ишқ дея айрилдим диндан, имандан,  
 Англамам ҳеч бир СЕЙ/ жой инсоф, виждондан.  
 Ишка сажда этдим, бўлдим у ондан,  
 Не замон қатл этдим куффор-и ишқи.

Жаннат беним учун куруқ саҳродир,  
 Ишқнинг саҳроси, ким банга маъводир.  
 Аксини сен банга не қадар қондир.  
 Қонмам, чунки билдим гулзор-и ишқи.

Ишқинг мейдонинда бир пехливаним\*,  
 Бир махшар кўпарур ҳар дамда қоним,  
 На буюк беним, бақ, ишққа имоним,  
 Ера диз чўтирдим жаббар-и ишқ.

Бен ишқинг мулкига ягона ҳокон,  
 Банга бўйин эгар бил жумла-и султон.



Инанир\*                      ўрдума                      шуйла                      бир                      боққан,  
Кўр нижа саф биста ашкор ишқи.

Сўйларкан                      дилларим                      на                      ёмон,  
Ёзаркан                      қаламим                      на                      ҳазин                      ағлар,  
Соддадил                      бунлардан                      на                      маъни                      англар,  
Билмас куч ўлдуғи исҳор-и ишқи.

1922 йил.

### БИТДИ!

Бер      қўлингни,      шу      титраган      қўлим      билан      сўнг      дафъа  
Бир      қисайин,      сўнгра      ортиқ      у      қўлларга      тегмак      йўқ.  
Кўзларингни      сўнгги      марта      тушур      хира      кўзимга,  
Кўкрагимга кирпикларинг сўнг мартаба отсин ўқ.

Кўкимизда      хануз      учмай      қараб      турган      юлдузнинг  
Кўр      юзини,      айрилиқнинг      кўзи      билан      сарғайган...  
Сен      кетасен,      юлдуз      учар,      ёлғизликда      ташланган  
Ўсугингга ҳаёт бермас ёғдулари кундузнинг.

Бер      қўлингни      сўнг      мартаба,      ёлғиз      қолган      ўқсукка,  
От ўқингни сўнг мартаба, алам кутган кўксимга!..

1922 йил.

## 4-БЎЛУМ: ҚОРА ЙЎЛЛАР

### МАҲМУД ХЎЖА (БЕҲБУДИЙ) ХОТИРАСИ

Жилгисиз                      қабрингни                      қора                      тунларда  
Амалимнинг                      шамин                      ёқиб,                      изладим.  
Қизил                      ва                      пок                      қонинг                      исларин                      сочгач,  
Кучсиз кўйи юришимни тезладим.

Амалимнинг                      юлдузи,                      ким                      кўз                      тикди  
Қора,                      жирканч...                      ўлим                      қони                      ерларга.  
Савол                      бердим:                      “Йўқотганим                      қайда?”-                      деб,  
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган ерларга.

Кўлидаги                                           тутам-тутам                      гулини  
Қабринг                      топиб,                      сочмоқ                      учун                      тиришди.  
Гул                      ўрнига                      захар                      тилар                      муҳитда  
Унинг қилган бу ишлари бўш ишди.

Мен-да                      ожиз                      —                      у                      муҳитнинг                      олдида  
Қабринг                      топиб                      кўз                      ёшимни                      тўқмакка.  
Ҳамда                      аччиқ                      ҳиддатим-ла                      ул                      ерда  
Оқ каллалик-қора девни сўқмакка.

Шунинг                      учун                      юлдуз                      каби                      ярқираб,  
Элда                      қолган                      исминг                      билан                      турамен.  
Шул                      исмни                      эслаб,                      чизган                      йўлингдан  
Йироқ кетмай, қимирламай юрамен.

Азиз	отам,	кўлимдаги	гулларнинг
Мотам	гули	эганини	билмайсен.
Шодлик	гули	кўпдан	сўлганин,
Ер остида, пок руҳинг-ла сезмайсен.			

Ана	сочдим	қалбимдаги	гулларни
Термак учун чакирамен қўлларни..			

1920 йил.

## КЕТДИНГ!

*Марҳум Раҳматулла Султоновга.*

Йўлдошим,	замзама	бўлдинг-да,	кетдинг,
Бор	эдинг,	йўқолдинг,	кетдинг,
Гул	эдинг,,	очилмай	кетдинг,
Йўқлик денгизига тўлдинг-да, кетдинг.			

Қичқириб	орқангдан	югурдим,	чопдим,
Ғариблар	мозорин	истадим,	топдим.
Кўрай	деб	сўнг	боқдим.
Сен эсанг юзингни бурдинг-да, кетдинг.			

Элингнинг	тилаги	етимми	қолди,
Бошига	қайғини	ўлимми	солди?
Жонингни	тангриси	севибми	олди?
Айтмадинг, оғзингни юмдинг-да, кетдинг.			

Боқчангға	ёш	кўллар	экалар	гуллар,
Очилмоқ	истайлар		лола,	сумбуллар,
Фироқ	қуйларини		қуйлар	булбуллар,
Сен	бўлса,	йўқликқа	урдинг-да,	кетдинг,
Кўқармай, яшармай қурдинг-да, кетдинг.				

*Қитъа*

## ЎЛИМДАН КУЧЛИ

-Ўлим,	сендан	кучли	бошқа	куч	борми?
Тарафингдан		бир	марҳамат		бўлганми?
-Мендан	кучли,	мендан	қувватлилар		бор:
Мана, мендан ҳеч қўрқмайдилар одамлар.					

## УЛУҒ ЙЎЛОВЧИГА

*А.М.*

*“Дунёга ишлар учунгина келганмен.”*

*(Ўз сўзи)*

*руҳига:*

Бокчаларда		гуллар		сўлди,		сезмадим,
Ўстирганлар		етим		бўлди,		сезмадим,
Кўнгилларга		қора		толди,		сезмадим,

Сездим сенинг кетганингни кўнгилдан...

Кетган	йўлинг	йирок	йўлдир,	кеги	йўқ,
Бошланиши	қуруқ	ва	кенг	бир	бўшлиқ.
Тугалиши:	яна	чексиз		бир	йўқлик,

Бироқ қайтмоқ йўқдир тушкан йўлингдан...

Кетдинг,	бирок	изларингда		кўз	қолди,
Тилларингда		айтилмаган		сўз	қолди,
Ўксиз	бўлиб,	ётлар	эмас,	“ўз”	қолди,

Чуқур маъно истаб эски сўзингдан.

1921 йил.

## 5-БЎЛУМ: ҚОР ҚЎЙНИДА

### ЯНА ҚОР

Яна	қор!	Оқ	кафан	ўралди	яна,
Яна	кўк	қўйди		ерга	парларини.
Қарганинг		тиллари		бурилди	яна,

Яна қиш чорлади нафарларини...\*

Қоп-қора	дев	каби		булут	йиғини
Қоплаб	олди	яна		қуёш	юзини.
Ётқизиб	ёз	ботир		“енгиш	туғ”ини**,

Уйқудан очмади сира кўзини.

Кутдилар	ёз	қизи	–	бахор	ойининг
Янги		кунда***		ясалгуси	тўйини.
Ёз	каби	турли	гулга	кўп	бойнинг

Дедилар: “Болғуси чечак ойини,”

Қариган		қиш		бобой	чидолмасдан,
Тўй	кутилганда		қилди	бир	босқин.
Нега	эргашди		унга	қорли	бўрон?

Кўп кўпол эрди, асти ул озгин.

Бир	фақат		қарғалар	қор	устида,
Қоғлашиб		қиш		бобойни	олқайлар.
Тўнгдирғувчи		захар		совуқ	тунда

Бева-бечоралар ёмонлайлар.

Ҳар	етим	кўзда		томчи-томчи	захар,
Ҳар	фақир	уйида	инглайиш	ва	йиғи.
Ҳар	сариг	юзиди	сўнги	шуъла	сўнар,

Ҳар томон, ҳар тарафда бир қайғи...

Яна	қиш...	Қор	кафан	ёпилди	яна,
-----	--------	-----	-------	--------	------

Қарғага тўй... Ўйин топилди яна.

### ОППОҚ ОЙ

Кучоғингда калтираймен, титраймен  
Ортиқ сендан безди кўнглим оппоқ ой.  
Йўлни очсанг, энди бундан кетамен,  
Кўклам яқин келган дейлар – бир қарай!

Кўкдан тушкан енгил, оппоқ парлардан  
Кудрат кўли сенга кўйлак тўқийдир.  
Учиб келиб узок-яқин ерлардан  
Бир тўп қарға мадҳиянгни ўқийдир.

“Кўклам яқин!” деган сўзни эшитиб,  
Кўзларингга замҳарирдек ёш келди.  
У ёшларинг жам бўлишиб, уюшиб,  
Осилдилар... бўйнинг ерга эгилди.

Ҳовуз юзи икки қарич муз бўлган,  
Ёш болалар тийғанишиб ўйнайлар.  
Ушуб, тўнғиб масжиддаги чол ўлган,  
Етим қолган болалари йиғлайлар.

Жар қишлоқнинг йўлида ҳам шаҳарга  
Қаймоқ ва сут келтирувчи бир бола  
Тўнғиб ўлган, хар кун эрта саҳарда  
Шундай қилиб бир неча жон йўқола.

Кучоғингда жуда совуқ, оппоқ ой,  
Кўклам келсин, бир севинай, бир ўйнай.

1922 йил.

### Изоҳлар:

“БУЗИЛГАН ЎЛКАГА”  
\*О.Ш. нашида бу ўринда “бошинг узра” деб ўқилган [Қ.: Ўша асар, 415-бет].  
\*\*О.Ш. нашида бу сўз “уйғотмайди” деб ўқилган [Қ.: Ўша асар, 416-бет].

“ЁТОҚДАН”  
\* Бу ўринда О.Ш. нашида “йўлда” деб берилган [Қ.: Ўша нашир, 427-бет].

“ЭРКИНЛИК ИСТАГИ”  
• Мазкур шеърнинг Ҳ.Ўз. нашида бу ўринда “эгиллик” деб берилган [Ҳ.Ўз. нашири, 338-бет].  
\*\* О.Ш. нашида “жонларни” деб берилган [Қ.: Ўша нашир, 450-бет].  
\*\*\* Бу сўзни О.Ш. “хур” деб ўқиган. [Қ.: Ўша нашир, 450-бет].

“ИШҚ ЙЎЛИ”  
\* О.Ш. бу сўзни “газаблар” деб ўқиган [Қ.: Ўша асар, 423-бет].

“КЕТ!”  
\* О.Ш. нашида бу сўз ўрнига “гўзал” берилган [Қ.: Ўша нашир, 456-бет].

“АЛДАНИШ”  
\* О.Ш. нашида бу сўз “илдим” бўлиб қолган [Қ.: Ўша нашир, 458-бет].

“ИШҚ”  
\* О.Ш. нашида бу сўз “яхду оним” деб берилган [Қ.: Ўша асар, 459-бет].  
\*\* О.Ш. нашида бу ўринда “илашур” берилган [Қ.: Ўша асар, 459-бет].

“ЯНА  
\* нафарлар – аскарлар [Ношир ҚОР”  
\*\* енгиши туғи – зафар [Ношир изохи].  
\*\*\* янги кун – Наврўз

Наширга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Хайрулла Х.Исматулла, АҚШ  
2008 йил.

Манба: [www.munosabat.org](http://www.munosabat.org)